

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИГА

Хурматли ички ишлар тизими ходимлари!
Қадрли офицер ва генераллар, сержант ва сафдорлар!

Мухтарам фахрийлар!
Аввало, сизларни 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сизларни ўз ҳаётини эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек олижаноб ишга бағишлаган, муқаддас қасамёдида содиқ инсонлар деб билади ва машаққатли хизматингизни муносиб эътироф этади.

Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини унун” деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислохотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустақам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда дунёда ҳукм сураётган мураккаб ва таҳликали шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжихатликни мустақамлаш қанчалик муҳим вазифа эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис, кейинги йилларда ички ишлар тизимини ислох қилишга устувор эътибор қаратилмоқда.

Бу борада барча ҳудудларимизда хавфсиз шароит яратиш, тинчлик ва осойишталикка қарши таҳдидларга тўлиқ барҳам бериш мақсадида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги концепцияси ҳамда 2022-2025 йилларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур ҳужжатларга асосан, илк бор ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар хавфсизлигини ишончли таъминлаш бўйича 10 та давлат идорасининг ҳамкорликда ишлаш механизмлари ва вазифалари белгилаб берилди. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган замонавий иш услублари амалиётга татбиқ этилмоқда.

Жинойatchиликнинг олдини олиш, унинг сабабларини бартараф этиш мақсадида ҳуқуқбузарликларни “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиш тизими жорий қилинди. Жиноятлар нисбатан кўп содир этилган маҳаллаларда ташкил этилган ҳуқуқ-тартибот масканларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг

биргаликдаги фаолияти йўлга қўйилди.

Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни кенг тарғиб этиш ҳамда турли салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида мактабларда 2 мингдан ортиқ инспектор-психолог лавозимлари жорий этилди ва бу ўзининг дастлабки ижобий самараларини бермоқда.

Профилактика инспекторининг маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли билан ҳамкорликдаги фаолиятининг йўлга қўйилгани кўплаб ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш ҳамда хотин-қизларни зўравонлик ва турли тазийқлардан ҳимоя қилиш учун шароит яратмоқда.

Ички ишлар органларининг кундалик фаолиятини инновацион ёндашувлар, рақамли технологиялар ва илм-фан ютуқларига таянган ҳолда ташкил этиш, фуқароларнинг ҳаёти, қадр-қиммати ва мол-мулкни кибермақонда ишончли ҳимоя қилиш бўйича илгор хорижий тажрибалар асосида самарали методикалар ишлаб чиқилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган йилдан бошлаб жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича барча ариза ва хабарларни автоматлаштирилган тарзда қайд этувчи “102” тизими жорий қилинди. Вилоят марказлари ва йирик туманларда 75 та ситуацион марказларнинг ташкил этилгани кўча ва жамоат жойларида вазиятни масофадан туриб кузатиш ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлашга қаратилган куч ва воситаларни самарали бошқариш имкониятини яратди.

Ҳаётимизнинг барча жаҳазлари қатори ички ишлар органлари фаолиятини либераллаштириш, соҳада очиқлик ва ошқоралик муҳитини кучайтириш, инсонпарвар ва халқчил тизимга айлантириш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда, соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали фуқароларнинг шахсини аниқлаш учун уни ички ишлар органларига олиб келиш амалиётидан воз кечиш, электрон курилма ёрдамида аниқлаш тизимини жорий этиш устида ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йили қабул қилинган “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси”нинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида соҳа ходимларида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, уларнинг маънавий дунёқарашини бойитиш, муомала маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар аҳоли билан

ишлаш амалиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Тизимда эришилган ютуқларнинг ёрқин намунаси сифатида маънавий-маърифий тарғибот йўналиши бўйича “Энг намунали вазирлик ва идора” танловида Ички ишлар вазирлиги жамоаси 2021 йилда иккинчи ўринни, жорий йилда эса фахрли биринчи ўринни қўлга киритганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Хурматли соҳа вакиллари!
Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, унинг таркибий тузилмаларини оптималлаштириш, аҳоли осойишталигини таъминлаш, соҳада коррупцияга қарши кураш самардорлигини оширишга қаратилган ишларимиз бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

Бугунги кунда мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, кейинги йилларда орттирган тажрибамиздан, илгор хорижий ютуқлардан фойдаланган ҳолда, соҳадаги ислохотларни янги босқичга кўтариш энг муҳим вазифалардан биридир.

Бу борада мамлакатимизда “Қонун – устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган қонидани ҳаётга татбиқ этишда аввало халққа энг яқин касб эгалари сифатида ички ишлар ходимларининг ўзлари барчага ўрнак ва намуна бўлишлари зарур, деб ўйлайман.

Тизимга замонавий технологиялар ва иш услубларини жорий этиш, профессионал етуқ кадрларни тайёрлаш, соҳа ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратишимиз лозим.

Ички ишлар тизимидagi ислохотларимизнинг амалий натижасини соҳанинг ҳар бир ходими, биринчи навбатда, халқимиз ўзининг кундалик ҳаётда сезиши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз ва халқимизга садоқатингиз учун барча юртдошларимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги кутлуг байрам билан яна бир бор самимий табриқлаб, барчангизга мустақам соғлиқ, оилангизга файзу барака, масъулиятли ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз ички ишлар органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқимиз осойишталиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, жиноatchиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самардорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги ибратли фаолияти, шарафли бурчини бажаришда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатгани, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги алоҳида хизматлари учун куйидагилар мукофотлансин:

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Собиров Азизбек Улуғбекович – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Ахмедова Асия Мустафаевна – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ҳузуридаги тергов бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси

Бекмурзаев Азамат Ережөпбаевич – Қорақалпоғистон Республикаси Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Нукус аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи

(Давоми 2-саҳифада) ▶

Фахр

КАСБИМГА МЕҲРИМ БАЛАНД



Мақфуза
СИРАЖОВА,
Чиноз тумани ички
ишлар бўлими
хотин-қизлар ма-
салалари бўйича
инспектори, “Содиқ
хизматлари учун”
медали соҳибаси:

– Бугунги қувончимнинг чеки йўқ, Мухтарам Президентимизнинг “Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига кўра, “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланганимдан фахрланиб кетдим. Яқинларим, ҳамкасбларимнинг табриқларидан ҳаяжондаман.
Ёши улугларимиз билиб айтишар экан, астойдил ҳаракат қилган киши, албатта, ниятига етаркан. Бунинг учун нафақат истак, балки мақсади томон интилиш, иштиёқ ва қийинчиликларни энгиб ўтиш йўлида сабр-бардошли бўлиш керак. Энгимга биринчи бор махсус либосни кийганимда бу касбнинг урдасидан чиқа олармикимман, деган ҳадик бўлган. Сабаби, ички ишлар органларида хизмат қилишнинг ўзига яраша машаққати ва масъулияти бор. Айниқса, аёл киши учун. Аммо Ватанимга бўлган меҳрим, соҳага қизиқишим туфайли қийинчиликларни энгиб ўтди. Қолаверса, юртимизда соҳа ходимларига кўрсатилаётган эътибор, яратиб берилаётган имконият ва шароитлар бизни янада шижоат билан хизмат қилишга ундамоқда.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

АРДОҚЛИ СЎЗ САНЪАТКОРИГА ЭҲТИРОМ



Маънавий ҳаёт

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира, маҳоратли публицист Шарифа Салимова бетақрор шеърини ва насрий асарларини билан адабиёт ихлосмандлари қалбини забт этган.



Вилоятимизнинг сўлим Паркент туманида туғилиб, камолга етган ижодкор ўзининг табаррук 70 ёшини қарши олди. Шу муносабат билан Нурафшон шаҳридаги Ёшлар марказида Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан шоира ижодига бағишланган адабий-маърифий кеча ташкил этилди.

(Давоми 4-саҳифада) ▶

Шуқуҳ



Кеча вилоятимизда Ички ишлар органлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ички ишлар органлари ходимлари куни кенг нишонланди. Вилоят миқёсидаги тантанали байрам тадбири Чирчиқ шаҳрида ташкил этилди.

Осойишталигимиз посбонлари

шарафланди




Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, вилоят ички ишлар органлари раҳбар ва ходимлари, фахрийлар, жамоatchилик вакиллари жамулжам бўлдилар.

Байрам қатнашчиларини вилоят ҳокими Зойир Мирзаев, вилоят Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи, генерал-майор Тоҳир Арипов ва бошқалар шарафли касб айёмлари билан самимий кутлаб, тинч, осуда ҳаётимиз қуриқчилари, ҳуқуқ ва эркинликларимизнинг ишончли ҳимоячиларининг машаққатли ва шарафли фаолиятларида улкан муваффақиятлар тиладилар.

(Давоми 2-саҳифада) ▶





Осойишталигимиз посбонлари шарафланди



ка ҳамда эсдалик совгалари сектор раҳбарлари томонидан топширилди.

Байрам тадбирига санъат усталари ва ижрочи ёшлар томонидан тайёрланган катта концерт дастури алоҳида фойз улашди. Тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибатни, шарафли касб эгаларининг заҳматли ва бедор фаолиятларини тараннум этувчи куй-қушиқлар шўх-шаён рақсларга уланди.

Ички ишлар органлари ходимларининг касб байрамлари вилоятимизнинг барча ҳудудларида, тизим жамоаларида муносиб нишонланди.

Нозим АБДУЛЛА
олган суратлар

Бугун эл осойишталиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишда ички ишлар органлари ходимларининг шарафли ва машаққатли хизматлари беқиёс экани, бу жиҳатдан улар ҳуқуқ-тартибот идоралари орасида ҳақиқатга энг яқин бўлган тузилмага айлангани алоҳида қайд этилди.


(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Албатта, касб байрамлари ўз ишининг заҳматкаш ва фидойилари меҳнатларининг эътирофисиз ўтмайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 октябрдаги тегишли фармонида кўра, Чиноз тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори Сиражова Махфуза Эшмурзаевна «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Вилоятимиз ички ишлар тизимининг жонқуяри ва фидойи

ходими бундай юксак эътироф билан самимий кутланди. Шунингдек, турли йўналишлар бўйича ўз фаолиятида юқори кўрсаткич ва натижаларга

эришган бир гуруҳ соҳа ходимларига Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда вилоят Ички ишлар бош қарқармисининг ташаккурномалари, махсус статуэт-



КАСБИМГА МЕҲРИМ БАЛАНД

Туманимизда хотин-қизлар ўртасида қатъий режа асосида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳокимлик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида профилактик тадбирлар олиб борамиз, суҳбатлар ўтказамиз. Маҳалла масъуллари билан ҳамкорликда хонадонларга бориб, фуқароларнинг турмуш тарзи, муаммоларини атрофлича ўрганиб, ижобий ҳал этиш чораларини кўрамиз. Оилавий муносабатлар доирасидаги низоларни эрта аниқлаш ва бартараф этишда ҳамкорликдаги фаолиятимиз ўз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

самарасини бериб, ажримларнинг олди олинмоқда. Эътиборлиси, жорий йилнинг утган даврида туманимизда хотин-қизлар томонидан жиноят содир этилишининг камайишига эришдик. Бу ҳамкасбларимиз билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

Менинг камтарона хизматларим шундай эътибор ва эътирофга муносиб топилганидан миннатдорман. Келгусида ўз хизмат вазифамни янада масъулият билан бажаришга, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга ҳар томонлама қўмақлашишга бор кучим билан ҳаракат қиламан.

ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ

Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Финляндиянинг Ўзбекистондаги фахрий консули Алишер Жўраев ҳамда Тошкент шаҳридаги Халқаро Нордик университети ректори Шерзод Мустафақулов билан учрашди.



Мулоқотда томонлар металлургия, фармацевтика, коммунал хизмат кўрсатиш, таълим ва бошқа соҳаларда янги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашишди.

Учрашув давомида вилоятдаги мактабларда таълим-тарбия тизимига алоҳида эътибор қара-

тиш бўйича амалий ишлар олиб борилаётгани, жумладан, битта мактабда Финляндия таълим тизимини тажриба сифатида жорий этиш борасидаги таклифлар муҳокама қилинди.

Мулоқотда, шунингдек, финляндиялик ўқитувчиларнинг Тошкент вилояти мактабларида са-

боқ беришларини йўлга қўйиш, келгусида мактаблардан саралаб олинган энг иқтисодий ёшларни Финляндия таълим муассасаларида ўқишларини давом эттириш имкониятини яратишга алоҳида ургу берилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Вилоят бўйлаб

ҚИБРАЙ тумани Давлат солиқ инспекцияси ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш туман бўлими ходимлари ҳамкорликда савдо дўконларида ноқонуний маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш мақсадида назорат тадбирлари ўтказишди.

ЯНГИЙЎЛ шаҳрида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил қилинди.

ҚҮЙИ ЧИРЧИҚ туманида кўчат экиш юзасидан корхона ва ташиқлотлар вакиллари ҳамда фермер хўжалиқлар иштирокида семинар бўлиб ўтди.

ЗАНГИОТА туманида «Йил аёли» миллий танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётган 10 нафар иштирокчи беллашди.

Ўзбекистон - умумий уйимиз



МУШТАРАК МУДДАОЛАР

Нурафшон шаҳридаги «ННТ ва Дўстлик уйи»да корейс халқининг Ўзбекистонга кўчириб келинганининг 85 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, миллий маданий марказлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мулоқотда сўз олганлар, корейслар кўп йиллардан бери ўзбек халқи билан бир оиладек аҳил, иноқ ҳаёт кечириб келаётгани, аксарият корейслар ўзбек тилини яхши билиши,

урф-одатимизга ҳурмат билан қарashi, муомала маданияти, меҳнат-севарлик каби қадриятларимиз бир-бирига ўхшаш эканини таъкидлади.

Тадбир корейс миллий анъаналарини тараннум этувчи концерт дастурига уланиб кетди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

ТАОМЛАРНИНГ САРАСИ – БУВИЖОНЛАР ЧУЧВАРАСИ

Тўқчилик замонда яшашимиз. Дўконларга кирсангиз, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Айниқса, уй бекаларининг вақтини тежайдиган ярим тайёр маҳсулотларнинг хилма-хилини топасиз.

Кичик бизнес

Бекобод шаҳрининг «Туркистон» маҳалласида фаолият юритаётган «Алиев» кичик корхонасида ҳам ярим тайёр маҳсулотлар тайёрланади.

– Бу ишни дастлаб қайнона ойижоним билан бирга бошлаганмиз, – дейди корхона раҳбари Севара Бутабоева. – Уйда утирганимда кўни-қўшни, қариндошларга чучвара тугиб берадик. Қарасам, талаб кўпайпти. Шунда «ишни кенгайтирсамчи», деган фикр туғилди. Тадбиркорлик ҳам осон эмас, бунга ҳам билим кераклигини англаган ҳолда ўқув марказларида ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаш йўналишида ўқидим. Аввалига маҳалладаги бинони аукционда сотиб олдик. Пухта режа тузиб, мана шу кичик ишлаб чиқариш цехини очдик. Асосий ишчиларимиз нафақадаги онахонлар. Яна маҳалладаги банд бўлмаган хо-



тин-қизларни ҳам ишга олганмиз. Корхонамизда тозаллик, санитария қондаларига тўлиқ риоя қилиш – асосий талабимиз. Иш бошладан аввал ишчиларнинг кўллари 5 хил усулда дезинфекция қилинади. Ҳозирда 20 дан ортиқ ярим тайёр маҳсулотлар тайёрлаяпмиз. Хамир қориш ва ёиш жараёни дастгоҳлар ёрдамида бажарилади. Ишчилар чучвара, манти, сомсаларни тугишади, норин ва лағмон хамирини ҳам тайёрлашади.

Цехни айланар эканмиз, ярим тайёр маҳсулотлар озиқ-овқат хавфсизлиги талаб ва меъёрлари асосида тайёрланаётганини кўрдик. Масалан, туғилган чучвара замбуруғларни йўқотадиган ускунадан ўтказилиб, кейин қадоқланар экан.

– Бу ерга келишимдан аввал кўп жойга иш сўраб бордим, – дейди ўзини Санобар опа деб та-ништирган онахон. – Барчасида

«Ёшингиз ўтиб қолган», деган бир хил жавоб олдим. Кейин шу цех ҳақида эшитиб келдим. Турмуш ўртоғим ишорин, ўғлим шартнома асосида ўқийди. Ишламасам бўлмайди. Севарахондан миннатдорман. Олган маошим рўзгоримизга асқатмоқда. Бу ерда тенгурларим билан зерикмай ишлайман. Ишонсангиз, туққан чучвараларимизнинг ҳар бири аниқ 6 грамм чиқади. Қўлимиз тарози бўп кетган. Бир-биримиз билан суҳбатлашиб, ҳазил-хузул қилиб бир зумда 14-16 кг. чучварани тугиб қўямиз.

Севарахон ёш бўлишига қарамай, кўпчиликка фойдаси тегаётганидан хурсанд. Унинг имконияти чекланган аёлларни ҳам ишли қилиш нияти бор экан. Биз ёш тадбиркорга хайрли ишларида омад тиладик.

Нигора ҲУЛООВА
Тошкент ҳақиқати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН Арипов Қурбонали Абдурахимович – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори Сидиқов Дилшод Ғайратович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти отряд кичик мутахассиси Собитов Жобирхон Содиқович – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

«СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН Саидов Одилбек Қудратович – Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ички ишлар бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари

Сиражова Махфуза Эшмурзаевна – Тошкент вилояти Чиноз тумани ички ишлар бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори

Умаров Аслидин Мухтарович – Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўйича Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси патруль-пост хизмати сафдор ходими

Умедов Мехридин Хамидович – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

Хайитбоев Хамидулло Мирабдулло ўғли – Андижон вилояти Избоскан тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Хомидов Юрсунали Шокирович – Фарғона вилояти Фарғона тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Душамов Дилшод Кузйбекович – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор-қидирув департаменти ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Қаландаров Баходир Сапаевич – Хоразм вилояти Янгиқир тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Норматов Тўланбой Абдуназарович – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Талбабаева Наргиза Абдурашова – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти инспектори

Фаттуллаев Бобир Нематович – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси эксперт-криминалистика бўлими бошлиги

Худойкулов Алишер Абдумажидович – Қашқадарё вилояти Қамати тумани ички ишлар бўлими 2-ички ишлар бўлими бошлиги

Эгамбердиев Фозил Сафарбоевич – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича тезкор вакили

Юсупов Қаҳрамон Юлдашев – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЕЁВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 24 октябрь

Дарвоқо

Халқимизнинг маънавий ва маданий мероси шундай бой уммонки, унга қанча чуқур шўнғинанинг сайин янада ноёб жавоҳирларга дуч келаверасан.

Табиат ва жамият бир-биридан ажралмасдир. Шунинг учун чуқур аниқлаш аждодларимиз табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. Буни етти соҳани, жумладан, сигир (чорвачилик), асалари (асаларчилик), ипак курти (ипакчилик), обжувоз (ёмай ишлаб чиқариш), тегиримон (новвойчилик), ўрмон (дурдодчилик), товуқчи (паррандачилик) бир-бири билан ҳамма ҳамма тарзда бошқара олган доно, ишбилармон кишиларнинггина бой, бек деб атаганлари мисолида ҳам аққол кўришимиз мумкин. Чунки, мазкур соҳалар бир-бирини тўлдирishi билан бирга табиатни тозалаб бориш хусусиятига ҳам эга.

Масалан, сигирни олайлик. Ота-боболаримиз сигирга рўзгорнинг қасоби ва баққоли, дея таъриф беришган. Маълумки, аждодларимиз азиздан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Дастурхонимиз ҳам асосан чорвадан олинган гўшт ва сут маҳсулотлари билан безалди. Урта асрларда Туронзамина қадам кўйган Европа сайёҳларининг ёзишча, туркий қавм жангчилари ўрта буй, билаклари дуркун, зарби ўта кучли бўлиб, асосан гўшт маҳсулотлари истеъмол қилган.

Асаларини доно халқимиз ой-

ланнинг табиби дейишгани бежиз эмас. Маълумотларга қараганда, минг дардга даво бир килограмм асални йиғиш учун асалари 2 миллионга гўлдан нектар олар экан. Мамлакатимизда фасллар алмашишуви кескин кузатилиши туфайли кишиларда шамоллаш билан боғлиқ ҳар хил касалликлар тез-тез учраб туради. Шундай ҳолларда асалнинг ўрни катта.

Товуқ – ҳам обивёгон, ҳам дори-дармон. Ривоятларда айтили-

мат қилади. Албатта, буларнинг барчасини бир бутун уйғунликда бошқариш кишидан катта ирода ва ақл-заковат талаб этади. Халқимиз тарихида ана шундай туганмас бойликка эга бўлишига қарамай, хоксор ҳаёт кечирган саховатпеша, доно инсонлар кўп бўлган.

Араб сайёҳи Ибн Батута «Сафарнома» китобида шундай ёзди: «Мен дунёни кезиб, бундай одамлардан (яъни жавонмард-

бойлигини бошқаларнинг манбаатлари ва эҳтиёжи йўлида сарфлаган. Шаҳар аҳолиси қашшоқликдан йиллик солиқни (250 минг динор) тўлолмади. Шунда Ҳожа Аҳрор Валий бу маблагни тўлаб, шаҳар аҳолисини ташвишдан халос этишдан ташқари, яна тошкентликларга 70 минг динор тухфа этди – халқ қишдан эсон-омон чиқсин, деб. Ҳожа Аҳрор Валий қурдирган мадраса ва хонақоҳларнинг сони йигирмадан

ортиқ, вақфнома дафтаридоги мол-мулкларнинг сони 254 тани ташкил этади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш жоизки, буюк аждодларимиз орасида ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан бой инсонлар кўп бўлган. Бинобарин, мўътабар китобларда нақл қилингандек, дунё шундай зотлар туфайли барқарор ва осийиштадир.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ,
журналист


“Етти хазина”нинг ЕТМИШ ҲИКМАТИ

шича, ҳар куни тонг саҳар ер бўйлаб иккита фаришта ризқ сочиб чиқар экан. Хўроз эса одамлар ризқдан бенасиб қолмасин деб эрта уйотишга чоғланар эмши. Мана шундай эзгу ниятли паррандани боболаримиз етти хазина қаторига киритгани бежиз эмас. У нафақат шифобахш гўшти ва тухуми билан, балки ҳовлимизни турли хил зарарли ҳашаротлардан тозалаб туриши билан ҳам аҳамиятлидир.

Юқорида тилга олинган етти жиҳат шуниси билан қизиқки, улар бир-бири билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Сигирнинг «ўғити» далага сепилади, даладан олинган бўғдойнинг дону сомони, кепаги товуқ ва сигирга емиш. Ёки асалари ўсимликлардан бол йиғиш билан бирга уни чанглатишга ҳам хиз-

лар) кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Шероз ва Исфохон аҳолиси гарчи ўзларини жавонмардларга ўхшатсалар-да, аммо Хоразм ва Мовароуннаҳр жавонмардлари ғариб-мусофирларни сиёш ва меҳмондорчиликда улардан баланд туради. Уларни Ироқда шотир, Хуросонда сарбадор, Мағрибда суқра дейдилар. Улардан тозалаб турши адолат расми шундай ривожланганки, уларнинг лашкаргоҳлари, уйлари остонасида олтин ва қумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгаси топилмагунча ҳеч ким бу пулларга тегмайди».

Ҳожа Аҳрор Валий сиймоси мана шундай буюк шахслардан бўлиб, унинг кўплаб еру мулкларини бўлса-да, аммо ўзини фақир ҳисоблаган. Чунки, у барча



СПОРТ янгиликлари

6 боксчидан 6 медаль!

Қозғистоннинг Аксай шаҳрида бокс бўйича 2007-2008 йилларда туғилган боксчилар ўртасида халқаро “Дўстлик кубоги” мусобақаси ўтказилди.

Тўрт кун давом этган турнирда Қозғистон, Россия, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан спортчилар голиблик учун беллашдилар.

Терма жамоамиз таркибиде иштирок этган 6 нафар спортчиларнинг барчаси медалларга сазовор бўлишди.

Жумладан, Шаҳбоз Эргашев (52 кг.), Ҳикматулло Улмасов (-60 кг.) ва Акбар Аҳмадов (-63 кг.) олтин, Муҳаммадзид Қўлдошалиев (-50 кг.), Иброҳим Ғиёсов (-52 кг.) ва Муродилла Суннатуллоев (-54 кг.) бронза медалини қўлга киритишди.



Каратэчилар Туркияга жўнаб кетди

26-30 октябрь кунлари Туркиянинг Коня шаҳрида каратэнинг WKF йўналиши бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда иштирок этадиган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Туркия сафарига жўнаб кетди.

Регламентга кўра, мусобақа 14-15, 16-17 ва 21 ёшгача бўлган тоифаларда ўтказилади. Унда Хўжамқул Хўжақулов бошчилигидаги 16 нафар спортчи юртимиз шарафини ҳимоя қилади.



“Катта дубулга”дан Олимпиадага

БАА пойтахти Абу-Даби шаҳри мезбонлигида ўтган “Катта Дубулга” туркумига кирувчи турнир ўз ниҳоясига етди.

Умумий мукофот жамғармаси 154 минг еврони ташкил этган мазкур мусобақада дунёнинг 65 давлатидан жами 419 (243 эркак, 176 аёл) нафар дзюдочи медаллар ҳамда Париж-2024 Олимпиадаси йўлланмаси учун муҳим рейтинг очколарини жамғариш мақсадида татамга чиқишди.

Улар қаторида иштирок этган 9 нафар дзюдочимиздан -52 кг. вазн тоифасида Диёра Келдиёрова қумуш, -73 кг. вазндаги ҳасларда Шаҳрам Аҳадов бронза медалини қўлга киритди.

Шунингдек, ҳамюртларимиз қайд этган натижаларига кўра, Олимпиада йўлланмаси учун рейтинг очколарига ҳам эга бўлишди.

Суҳробжон САДИРОВ
/Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади



Минбар Бугунги кунда жаҳон сиёсатчилари, олимлар ва башариятнинг эртанги тақдирига бефарқ олинмаган ҳар бир инсон маънавий инқирозлар қаторида коррупция ҳам энг хатарли иллат эканини яхши англаб турибди.

ТАРАҚҚИЁТ ЗАВОЛИ

Дарҳақиқат, коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ривожига салбий таъсир кўрсатувчи хавфли омил экани ҳеч кимга сир эмас. Халқаро иқтисодчи Бретхеннинг фикрича, макрокўрсаткичи ривожланган кўрсаткичларига энг катта салбий тўлқинни олиб кирувчи омил айнан коррупция ҳисобланади.

Содда қилиб айтганда, коррупция – барча инсоҳотлар илдизига болта урувчи ҳодисадир. Уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларга қарши кураш чораларини ҳар биримиз билишимиз лозим.

Баъзида кўз ўнгимизда қонун бузилади, инсон ҳуқуқи, қадр-қиммати поймол этилади. Бундай вазиятларда

чорасизликдан одам гангит қолади. Лекин унутмайликки, халқимизда “Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал” деган нақл бор. Жамиятимиздаги ҳар қандай ноқонуний жараёнга лоқайд бўлмаслик барчамизнинг бурчимиздир.

Коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашишни, энг аввало, ўзимиздан бошлашимиз керак. Бунинг учун эса, шахснинг ҳуқуқий онги, билими ва ҳуқуқий маданияти етарли даражада шаклланган бўлиши лозим.

Азамат АМАНОВ,
Тошкент шаҳар
ФВБ шахсий хавфсизлик
бўлими инспектори,
майор

Хабарингиз борми?



Қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан Кадастр агентлигининг худудий тузилмалари фаолиятини ташкил этиш Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади, дея ёзмоқда ЎЗА.

Худудий бошқарма ва бўлимлар фаолиятини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади. Худудий бўлимлар, Давлат кадастрлари палатаси худудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиалларининг фаолиятига ҳожимлар томонидан аралашши ёки таъсир ўтказиш қатъий тақиқланади.

2023 йил 1 июлгача Кадастр агентлиги органларига тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғри-

Ҳоқимлар энди АРАЛАШМАЙДИ

Жорий йил 20 октябрда “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

сидаги ишларни “E-ma'muriy ish” тизими орқали электрон кўриб чиқиш имкони яратилади.

Қарор билан Кадастр агентлиги марказий аппаратида – Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси, Кадастр агентлигининг худудий бошқармаларида – чегара масалалари бўйича бош мутахассис лавозими, Тошкент геодезия ва картография коллежиде – Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази, “Геоинновация маркази” ДУК тузилмасида – қиёслаш ва калибрлаш лабораторияси, докторантура фаолияти, Фазовий маълумотлар

соҳасида стандартлаш бошқармаси ҳамда Илмий тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилди.

Янги ўзлаштирилган ерлар Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳулосасига мувофиқ вилоят ҳожимлари қарорига асосан қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига киритилади.

Шунингдек, қарор билан 2023-2026 йилларда Кадастр агентлиги фаолиятининг асосий прогноз кўрсаткичлари ва унинг моддий-техника базасини тақомиллаштириш дастури тасдиқланди. Унга кўра, агентлик 25 минг 169 гектар ер участкаларини ўлчаб, уларнинг электрон хариталарини яратди.

– Мен, Дилдора Абдурафиқова ниҳоят, яна ишга қайтдим, – ҳикоя қилади ҳўрсини суҳбатдошим. – Ишга қайтмасам бўлмасди. Бошимга тушган фожиадан сўнг уйда ўтира олмасдим. Ота-онам, қайнота ва қайнонам бутун умр ўқитувчилик қилиб, шу соҳанинг номини ейишган. Қолаверса, 2022 йил 5 майда оиламиз бошига оғир мусибат тушди. Севимли фарзандим Ҳасанимдан жудо бўлдим. Ҳасан-Ҳусанимга 2022 йил 27 май кунини қўшалоқ тўй қилмоқчи эдик, уларга Ўзар қишлоғилик эғизаклар Фотима-Зухрони унаштириб қўйгандик. Ҳаммамиз шодланиб, тўйга тайёрларлик кўраётгандик. Бирдангина... ҳаммаси тескари бўлиб кетди. Ҳасаним хизмат вазифасини бажарётганида автомобилда йўл транспорт ҳодисасига учраб, фожиали ҳалок бўлди. Кейин ноилоҳ Ҳусанимни уйлантирдик. Тўй тугагач, келинимни бағримга босиб, ҳам севинчдан, ҳам қайғудан аччиқ-аччиқ йиғладим. Ахир, уйимизга қўшалоқ келин кириб келиши керак эди-да...

Ажаб савдолар

таб директори Д. Мамедова, афсуски, шундай мусибатли паллада одамгарчилик қилмади. Аниқроғи, 2022 йил 1 июндаги 63-сонли буйруққа асосан, Абдурафиқова Дилдора Абдувоҳидовнани логопед ўқитувчи вазифасидан ҳеч қандай оғохлантиришсиз бўшатиб юборди. Сабабки, Абдурафиқова пенсия ёшига етганмиш.



Энди Меҳнат кодексининг 100-моддаси 7-бандини биргаликда ўқиб кўрайлик. Унда, жумладан, қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин, дейилган: “... ходимнинг пенсия ёшига тўлганлиги, қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи мавжуд бўлганда”.

Тўғри, бу моддага асосан иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин, бироқ бу шарт қилиб қўйилмаган, агар ходим ҳали тетик бўлса, тажрибаси катта бўлса, энг муҳими, ишлашга хоҳиши бўлса бемалол ишлайвериши мумкин. Бу эса иш берувчига боғлиқ...

ушомалари ва прокуратура назорат қилади.

Энди бу идоралар тутган йўлни мушоҳада қилиб кўрайлик. Д. Абдурафиқова номига Оҳангарон шаҳар прокуроври А. Абдунабиев 2022 йил 28 июнда юборган 16419 м 22-сонли жавоб хатиде ёзмишчи, вилоят Бандлик бошқармаси давлат меҳнат инспектори Х. Аҳмедов Д. Абдура-

белгиланган тартибда ва ходимнинг хоҳишига биноан иш юритилишини сўраймиз”, дейилган.

Бу жумбоқ жавоб хатдан нимани тушунаса бўлади, билмадик...

Муҳтарам касабга уюшмаси қўмитаси, сиз розилик бериб, “Ҳа” денг ёки розилик бермай “Йўқ” денг! Ахир, касабга уюшмаси, мустақил бўлса, иш берувчига тобе бўлма-

Пенсионерни ИШДАН ОЛИШ ОСОН...МИ?

фиқова томонидан берилган мурожаатни ўрганиб чиқибди ва 2022 йил 1 июндаги 63-сонли буйруқ тўғри бўлиб, меҳнат қонунчилиги талабларига тўла мос келар эмиш...

Яна бир қизиқ томони шундаки, 2022 йил 6 апрелда мактаб директори Мамедова мактаб касабга уюшмаси қўмитасига Д. Абдурафиқова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш учун розилик бериш тўғрисида тақдимнома киритган. Мактаб касабга уюшмаси қўмитаси эса “сиз ҳам, қабоб ҳам қуймасин” қабалида ғалати ва мавҳум жавоб берди. Аслида бу тақдимнома мактаб касабга уюшмаси қўмитаси томонидан қонунчиликка биноан ўн кунлик муддатда кўриб чиқиши шарт эди. Касабга уюшмаси қўмитаси раиси Г. Нишоновна ва бошқалар томонидан имзоланган ва иш берувчига тақдим қилинган хатда эса “Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида

са, аниқ ва лўнда жавоб берса бўлмасмиди, дейдиган одамнинг ўзи йўқ! Бу эса айрим касабга уюшмалари ҳамон номига тузиб қўйилганидан далолат беради.

Яна бир томони, касабга уюшмаси қўмитаси раиси Г. Нишоновна ва бошқалар имзолаган жавоб хатиде сана ва ҳужжат рақами йўқ. Агар Мамедова 2022 йил 6 апрелда тақдимнома киритган бўлса, бу тақдимномага асосан касабга уюшмаси қўмитаси таҳминан 17 апрелгача иш берувчи ташаббусига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш ёки бермаслик ҳақида ёзма жавоб бериши керак эди. Меҳнат кодексининг тегишли моддасига кўра, иш берувчи таҳминан 18 майда буйруқ чиқариши керак эди.

Мамедова эса 2022 йил 1 июнда 63-сонли буйруқ чиқаряпти, бу эса қонунчиликка зид. Меҳнат кодексига асосан юқоридаги муддатларда буй-

руқ чиқарилмаса, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси давом этаради. Негаки, белгиланган муддат ўтгач, касабга уюшмаси қўмитасининг розилик бериш ҳақидаги қарори ўз кучини йўқотати.

Хуллас, бу мужмал ишга Тошкент вилояти Адлия бошқармаси чек қўйди. Яъни, Д. Абдурафиқованин манфаати йўлида Оҳангарон туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритди. Судья Умиджон Мирзаев даъво аризасини синчиклаб текшириб чиқиб, қонун бузилганини аниқлади ва 2022 йил 23 августда Д. Абдурафиқовани ишга тиклаш, мажбурий проғул учун ўртача иш ҳақи ундириш ҳамда маънавий зарарни ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Бу билан мактаб директори давлат бюджетига 21 миллион 436 минг сўмлик зарар етказди. Бу зарар Меҳнат кодексининг 274-моддасига асосан иш берувчининг чўнтагидан ундирилиши лозим.

Бундай қарасангиз, ҳақиқат қарор топди ва адолат ғалаба қозонди...

Шу билан ҳаммаси ўрнига туширми?

– Йўқ, – дейди Д. Абдурафиқова. – Ишга тикланганимдан сўнг мактаб маъмурияти томонидан турли босимлар ва таъйиқлар ҳамон давом этмоқда. Менга атиги беш соат дарс беришди. Фақат бошқармага мурожаат қилганимга қарамай 9 соат қилиб беришди.

Хуллас, ана шунақа гаплар, хурматли пенсионерлар! Мабодо, сизни ҳам нафақа ёшига етишингиз билан ишдан бўшатартирмаганми?

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси



АРДОҚЛИ СЎЗ САЊЪАТКОРИГА ЭҲТИРОМ



Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, шоиранинг дўст ва маслақдошлари, мухлислари жамулжам бўлдилар.

Анжуманда сўз олган вилоят ҳокими Зойир Мирзаев Тошкент вилояти адабий муҳити, бу бетақор диёрнинг ўзбек адабиёти ва маданий ҳаётида тутган ўрни хусусида фикр юритиб, ардоқли сўз санъаткорини қўллуғ ёши билан самимий қўллади ва ижодкорга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғасини тортиқ этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайид, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Хуришд Дўстмуҳаммад, "Жаҳон адабиёти" журналы бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмадjon Мелибоев ва бошқалар ижодкорнинг ибратли умр йўли, бетақор ижоди хусусида самимий фикрлар билдиришди.

Таъкидланганидек, Шарифа Салимованинг шеърларида самимият, юксак бадиият, шарқона назокат уфуриб туради. Унинг

бир қатор шеърый тўпламлари, публицистик асарлари ва дostonларида Ўзбек аёлининг бетақор матонати, озода кўнгли, оҳорли умидлари, қувонч ва изтироблари баланд пардаларда тараннум этилади. Шоира Ватанга муҳаббатини юрагининг энг чуқур жойига шу қадар муштаҳкам жойлаганки, бу туйғу босиб ўтилган йиллар, йўллар асносида оловда тобланган олтин қуймадек асрий севгига айланиб кетган...

Назм ва наво кечасида Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Муножот Йўлчиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Илс Арабов, Тошпўлат Маткаримов, Аҳрор Усмонов ва бошқа санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар мумтоз кўшиқлар, шунингдек, шоира шеърларига басталанган ашулалардан ижро этишди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Зулайхо Маҳқамова сўзга чиқди.

Аброр ЭСОНОВ
Тошкент ҳақиқати олган суратлар

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Ватан, тупроғингга райҳонлар сендим...

Ватан, тупроғингга райҳонлар сендим,
Ҳавони тўлдирсин, дея ифорлар.
Кўёш сувератини каштага чекдим,
Оймомо нурида чертганча торлар.

"Лазги" оҳангига қуш каби учдим,
Жонимни титратди илоҳий оҳанг.
Қайси пучмоғингга кўз солгач, билдим,
Сенда экан сеҳр ва камалакране.

Қумуш шаршаралар қуйлаганида
Қонимда порлади ажиб бир исён.

Ялпизлар исиди ишк бўйин тотдим,
Эй, азизим онам, жон Ўзбекистон!

Тоғларинг виқори кўксимга тумор,
Қай сўз-ла таърифлай булоқларингни.
Утаан умримга гар мен назар солсам,
Тилин тополмабман ирмоқларингни.

Улуғ қояларнинг жасур боласи –
Бургутларингга мен қиламан ҳавас.
Қўдратли қаноплар шовуллаганида
Мудроқ кўнилларга чақмоқ инса бас.



Тупроғинг зарраси ўзи бир тилсим,
Ҳар битта яроғинг ўзи бир дoston.
Менинг райҳонларим – хуррак шеърларим
Йўлигга пояндоз, жон Ўзбекистон!

Дўст дегани

Раҳматиллага

Дўст дегани шундай бўлади,
Борлигидан кўналинг тўлади.
Чашма унинг юзларин ювар,
Изларидан гуллар унади.
Дўст дегани шундай бўлади.

Осмонингни қопласа бўлут,
Дунё учун бўлсанг сен унут,
Бутун олам сақласа сукут,
У сукутнинг кўксин тиллади,
Дўст дегани шундай бўлади.

У бегараз, у қуёш нури,
У Танарининг энг суйган гули,
У Танарининг эй суйган қули,
У умиднинг олтин устунни,
Дўст бўлмаса, гуллар сўлади,
Дўст дегани шундай бўлади.

Қаранг, унинг сочларида қор,
Юрагида не сирлари бор.
Поктийнатдир, қиш фаслида ҳам
Унга гуллар келтирар баҳор.
У қуёшга ухшаб қулади,
Дўст дегани шундай бўлади.

Эй, дўст! Тоғлар кўксига маъдан,
Меҳриниғизга бул дам берар тан.
Аллоҳ қалбин айлаган Ватан,
Уминниғизга тўшалсин чаман.
Кафтнингизда дунё туради,
Дўст дегани шундай бўлади.

Эй, дўст!
Ҳовуларим тўлди дуога,
У албатта етар самога.
Омон бўлинг, соғ бўлинг, яшанг.
Ухшаб гувлаб оққан дарёга,
Майсаларга шабнам инади,
Дўст дегани шундай бўлади.

Қуз силернигаси

Олтинранг яроқлар шивирлаб ётар...
Олтинранг яроқлар... олтинланган ҳис...
Олтинранг яроқлар қисматни ичар:
– Яшил умримизда бошланибди қуз...
Оҳ, қуз...

Дарахт баргаларида олтинланар нур,
Шамолда ҳилларар бир дарахт хазон...
Олтинранг яроқлар бир-бирин кучар:
– Наҳот хазон бўлмоқ шунчалар осон,
Шунчалар осон?

Қуз қушлари кўнмас хазонли боққа,
Улар олисларга олмақдлар йўл.
Олтинранг яроқлар айтар алвидо,

Ердан само сари узатганча қўл...
Дерлар: Баҳорларга албат етингиз,
Яшил яроқларга кўниб ўтингиз.

Атрофга боқаман: олтиндир дунё,
Атрофга боқаман – хазонлар денгиз.
Олтинранг либосда ажиб виқор-ла
Мевааларни бир-бир териб олар қуз...
Мевааларни бир-бир териб олар қуз...

Хазонли боғларда тентидим узок,
Қулоқни ёғудай қузнинг жаранги.
Ердан само қадар заъфарон денгиз...
Наҳот шунча гўзал изтироб ранги...
Қуз...

Меҳр

Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севар,
Дилда борин айлар ўзича талқин.
Мен сени қуёш деб, тортдим хижолат,
Васфингга минг қалам ожиздир, халқим.


Қўхиқоф тоғларин залворлари ҳам
Азамат елканега кўндирмас губор.
Муқаддас тупроғинг зарраларида
Улуғ аждодларинг битиклари бор.

Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севар,
Қўшиқлар битади ёна ва ёна.
Она Ватан меҳрин соқин сўзлайди,
Амир Темур ётган улуғ хилхона.

Шоирлар кўксига гувиллар дарё,
Ҳар бир гуёҳ унга айтиб турар шеър.
Дарёлар қуйилган уммон кўксига
Ўз дурларин сочар улуғ Алишер.

Ҳар ким ўз жаннатин ўзича севар,
Сен – Онам! Онадан ҳеч ким тополмас.
Юрагимда ўсган улкан дарахтни,
Кўксимдан суғуриб ҳеч ким ололмас.

Шарифа САЛИМОВА



ФОТОНИГОҲ



Қаранг, минг бир барғада кузак учадир,
Қизил-саригида – юрак учадир,
Сўнаклар учадир, суяк учадир –
Бу тўфон – хазонлиғ менман, азизим,
Сизсиз минг кузакка тенгман, азизим.

Усмон АЗИМ



Абдулазиз АБДУРАШИДОВ ва Аброр ЭСОНОВ сурат-лавҳалари

қилиб, пулни кўпайтираман", дейди.
Олчинбек ака йўл бўйи ўғлини,
унинг тарбияли, меҳнатсевар, уйда-
буронлигини мақтаб кетди. Уйлари
йўлнинг устида экан, бирров кириб
чиқшини айтди.
– Бугунги тушумни ўғлимга бе-
раману, дарров чиқаман, – деди у. –
Баҳонада ўғлим билан ҳам танишиб
оласизлар.

Чоршанба сабоқлари

"АСЛ" ЎҒЛИНИНГ АСЛ ОТАСИ

Уйлари олдида тўхтадик.
Уйдан бир аёл ва йигирма беш
ёшлардаги йигит чиқиб келди.
– Мана шу йигит бизнинг топар-
мон ўғил, – дея машинадан тушди
Олчинбек ака.

Олчинбек ака ўғлига бир даста
пул берди.
Машинадан сал наридаги оила-
вий сўхбат қисқа бўлди.
– Чўғи кам-ку, дада?
– Одам кам, ҳаво совуқ, – деди
Олчинбек ака.
– Йўловчиларни олиб бориб кў-
йингу, тез қайтинг, бир жойга ўтиб ке-
ламиз, – деди аёл.
– Хўп, – деди Олчинбек ака ва
машинага ўтирди: – Ана энди кетдик,
меҳмон.

Озгина юрган эдик ҳамки, бир
киши тўхтовсиз қўл силкиб қолди.
– Оббо, сен етмай турувдинг, –
дея Олчинбек ака "Ҳозир қайтаман",
ишорасини қилиб, ўтиб кетмоқчи эди
бўлмди – ҳалиги одам йўлнинг ўр-
тасига чиқиб, туриб олди.
– Машинада узоқдан келган
мижозларим бор, ҳозир қайтаман, –
деди Олчинбек ака ойнадан бошини
чиқариб.
– Э, ака сизнинг "ҳозир қайта-
ман"ингиз кўпайиб кетди, – деди

бизни тўхтатган одам. – Уч ой бўлди,
бир ҳафтада бераман дегандингиз,
одамда лафз бўлади, ахир. Энди ҳеч
қандай баҳонангиз ўтмайди, ё ҳози-
роқ пулимни берасиз ёки олган буг-
дойингизни қайтарасиз.
– Бўлди, ука, ҳозир ўғлимга пул
бериб келдим, мана меҳмонлар гу-
воҳ, шундай борсанг, бериб юбора-
ди.
– Уша олифта, бетабария ўғлин-
гизга ишонмайман, машинани қайта-
ринг, ўзингиз олиб берасиз.
– Жон ука, кўриб турибсан, маши-
нада меҳмонлар бор, кеч бўляпти,
уларни элтиб қўйишим керак, – дея
ялингудек давом этди Олчинбек ака.
– Уйга бор, айтаман, ўғлим бериб
юборади.

– Пулингиз бор экан, нега менга
бериб кўя қолмадингиз, ўғлингизга
беришингиз шартмиди?
– Биласан, оиламизда кассир
шу бола, бухгалтер янганг, ҳис-
соб-китобни улар қилади-да, –
кулди Олчинбек ака. – Биз оддий
ишчи, ука.
– Хуллас, ҳозир бораман, агар
кассирингиз пулимни бермаса, кей-
ин ёмон бўлади.
Йўлда давом этдик.
Олчинбек ака қўл телефонини



олиб, ўғлига кўнғироқ қилди:
– Ҳозир Олмосвой боради, ёзда
бир тонна бугдой олгандик, сотиб
бир ҳафтада пулини бераман, де-
гандим. Уч ой ўтиб кетди, унинг
ёмон жаҳли чиққан, боя кўлингга
берган пулдан қарзимизни узиб
юбор! Нима? Нимага бермайсан?
Уйда пул бор-ку, бериб юбор.
Олчинбек аканинг жаҳли чиқди.
Рўлда бўлгани учунми, йўл назор-
ратчисидан чўчиб, телефонни ку-
лоғидан узоқ тутди ва овоз кўтар-
гични ёқди.
Ота-бола ўртасидаги сўхбатга
беихтиёр гувоҳ бўлдик.

– Дада, мени биласиз, прин-
ципим бор, сёйфа тушган пулни
қайтариб чиқармайман. Одатимни
билиб туриб, яна мендан пул сўра-
манг! Уша Олмосвойга ҳам айтинг,
келиб пул сўраб асабимни бузиб
юрмасин!
– Э..! – Олчинбек ака ўғлини сўк-
ди. – Принципингиз, сени ҳам...
– Хой дадаси, – овози келди
аёл кишининг. – Тагингизга "Нек-
сия" миндириб кўйиб, сизни зўр
қилдикми дейман, сўқиниб қопсиз.
Қарзни ўзингиз олдингизми, ўзин-
гиз узинг, бизга осилманг, та-
мом-вассалом.
– Эй, жиннимисан, мен тогпа-
нимни кўшқўллаб сенларга топши-
ряпман-ку?
– Топиш вазифангиз, эркакисиз,
топасиз, боқасиз!
Боягина тadbиркор ўғлидан
фахрланиб, мақтаниб турган Ол-
чинбек ака назаримда кичрайиб
кетгандек эди. "Бухгалтер" билан
"кассир" қандай тарбия олгани шу
қисқа сўхбатдан аён бўлганди.
Сал ўтиб, яна Олчинбек аканинг
телефони жиринглади.
Асабийлашганидан Олчинбек
ака яна телефонининг овозини ҳам-
мага эшитилдиган қилиб қўйди.
– Олчинбек ака, мен кечдим шу
қарздан! Пул-мул керакмас! Фақат
бир шартим бор. Битта рўмол сотиб
олиб, бошингизга ўраб юринг!
Хуллас, ўша кунги сафардан са-
боқ аччиқ бўлди...

Бахтиёр ТУРСУНОВ



TOSHKENT HAQIQATI
TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
- Ummat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Mahmudjon BOLTABOYEV
- Ra'no TURDIBOYEVA
- Sergey MUTIN
- Zarifa ERALIYEVA
- Azamat KAMOLOV
- Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV

- Qabulxona: (71) 233-64-95
- Bosh muharrir o'rinbosari: (71) 233-70-10
- Mas'ul kotib: (71) 233-90-82
- Bo'lim muharrirlari: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
- E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (71) 233-54-10
- e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

- Navbatchi muharrir: Kumush EGAMBERDIYEVA
- Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA
- Navbatchi: Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.
Bosishga topshirildi – 21.20
Nashr ko'rsatkichi – 205.
Buyurtma G-1035.
3 918 nusxada chop etildi.
Hajmi – 2 taqoq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.
Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.
«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxonani manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.